

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

178 Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ишлаб чиқарувчи ташкилотларга қулай шарт-шароитлар яратиш, сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сон қарори билан тасдиқланган 2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар қўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мезонларини ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастурини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг:

2011 йил 1 майдан бошлаб ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан сотилган сертификатлаштирилган маҳсулот ҳажмидан мувофиқлик белгиларидан фойдаланганлик учун сертификатлаштириш органларига доимий лицензия ажратмаларини тўлаш тўғрисидаги талабларни, уларнинг ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган миқдордаги бир марталик тўловни жорий этган ҳолда, бекор қилиш тўғрисидаги;

экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ихтиёрий равишда сертификатлаштириш тўғрисидаги;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турларини сертификатлаштиришнинг маълум қилиш тартибини 2011 йил 1 майдан бошлаб жорий этиш тўғрисидаги;

хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш йўли билан четдан келтириладиган технологик ускуналар ва уларнинг қисмларини сертификатлаштириш тартибини соддалаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси

худудиди ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган технологик ускуналар ва уларнинг қисмларига хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) ташкил этилсин, унинг бошқарув ходимлари сони 17 нафар, шу жумладан марказий аппаратида — 5 нафар ва ҳудудий бошқармаларида — 12 нафар этиб белгилансин, «Ўзстандарт» агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони тегишли равишда кўпайтирилсин.

Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларга стандартлар, сертификатлаштириш, ёрликлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талаблар юзасидан бепул консултация хизматлари кўрсатиш;

ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда стандартлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларни жорий этиш ва улар даражасига эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур маълумотларни олиш учун ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ахборот-консултация ёрдами кўрсатиш;

стандартлар, сертификатлаштириш, маҳсулотларни ёрликлаш, қадоқлаш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларнинг доимий равишда янгилаб бориладиган маълумотномасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни Интернет тармоғидаги «Ўзстандарт» агентлиги сайтига жойлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси:

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида унинг вакили бўлади;

«Ўзстандарт» агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

5. Қуйидагилар:

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 45 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 35 нафар бўлган тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

«Ўзстандарт» агентлигининг худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони 5 ва 6-иловаларга мувофиқ;

«Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюросининг ходимларнинг чекланган умумий сони 17 нафар бўлган тузилмаси 7-иловага мувофиқ;

«Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги икки ой муддатда:

«Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси фаолиятини ташкил этсин, уни белгиланган тартибда жойлаштиришни, тегишли соҳа бўйича малакали мутахассислар ва бошқа ходимлар, инвентарлар ва зарур техник асбоб-ускуналар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларига мувофиқ бўлган сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқарувчи ташкилотларда жорий этиш бўйича намунавий ҳужжатларни тасдиқласин ҳамда ишлаб чиқарувчи ташкилотларга уларнинг бепул тақдим этилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 28 апрель,
122-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган
технологик ускуналар ва уларнинг қисмларига хорижий
мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш
органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини
тан олиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик ускуна ва унинг қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритишда ушбу Низомга 1-иловада* кўрсатилган хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига аккредитация қилинган хорижий мамлакатлар сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари (кейинги ўринларда сертификатлаштириш органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Технологик ускуна ва унинг қисмлари (кейинги ўринларда маҳсулот деб аталади) тўпламига кирувчи ўлчаш ва синаш воситаларини сертификатлаштириш «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг ўлчашлар бирлигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларига мувофиқ давлат синовлари ва метрологик аттестация натижалари ёки хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган синовлар ва аттестация маълумотлари натижалари тўғрисидаги тақдим этиладиган ҳужжатларни тан олиш асосида амалга оширилади.

**II. Хорижий мувофиқлик сертификатларини
тан олиш тартиби**

4. Хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан маҳсулотларга берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш учун, ариза берувчи сертификатлаштириш органига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманома беради. Буюртманома жисмоний ёки юридик шахс (кейинги ўринларда ариза берувчи деб аталади) томонидан берилиши мумкин.

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

5. Буюртманомага қуйидагилар илова қилинади:

хорижий мамлакатнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан берилган сертификатнинг асл нусхаси эгасининг ёки сертификат берган органнинг мухри билан тасдиқланган сертификатнинг асли ёки нусхаси;

хорижий мамлакатнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга норматив ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлса);

етказиб берилаётган усқунанинг паспорти ва/ёки ундан фойдаланиш бўйича йўриқномаси — давлат тили ёки рус тилидаги таржимаси билан;

хорижий мамлакатнинг ваколатли органи томонидан берилган ўлчаш воситалари турини тасдиқловчи (метрологик аттестация) сертификат — ўлчаш воситалари турининг давлат тилига таржима қилинган йўриқномаси билан;

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кирганлигини белгиловчи товарга илова қилинган ҳужжат (товар-транспорт ҳужжати, инвойс, ҳисоб-фактура);

Ўзбекистон Республикаси давлат санитария назорати органи лабораторияларида ўтказилган синов натижаларини ўзида акс эттирган гигиеник сертификат нусхаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа талабларга мувофиқлик тўғрисидаги маълумотлар (тан олиш учун тақдим этилган сертификатда кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлмаганда).

6. Ариза берувчи, агар мавжуд бўлса, ўз хоҳишига кўра қўшимча тарзда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши мумкин:

маҳсулотларнинг техник тавсифлари;

маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда ўтказилган синовлар баённомалари ёки хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган синов лабораторияларида бажарилган синовлар ҳақидаги ҳужжатлар;

хорижий мамлакатнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан сифат менежменти тизимига (ишлаб чиқариш учун) берилган сертификат.

7. Агар қўшимча ҳужжатларда аккредитация қилинган синов лабораторияларида ўтказилган аниқ кўрсаткичлар бўйича синов натижалари мавжуд бўлса, у ҳолда сертификатлаштириш органи қўшимча синовлар ўтказмасдан, ушбу ҳулосалардан мувофиқлик сертификатини тан олиш учун фойдаланиши мумкин.

8. Сертификатлаштириш органи тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилишда қуйидагиларни назарда тутати:

ариза берувчи тақдим этган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғри ва тўлиқлигини аниқлаш;

мувофиқлиги бўйича сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакатдаги норматив ҳужжатлар ва талабларнинг Ўзбекистон Республикасида олиб кирилаётган маҳсулотлар юзасидан қабул қилинган норматив ҳужжатларга ва талабларга мувофиқлигини таққослаш.

9. Сертификатлаштириш органи ариза берувчи тақдим этган ҳужжат-

лар ва материалларни таҳлил қилиш, шунингдек маҳсулотни идентификациялаш асосида бир иш кунидан кўп бўлмаган муддатда хорижий мувофиқлик сертификати тан олингани ёки тан олинмагани ҳақида қарор қабул қилади.

10. Мувофиқлик сертификатида кўрсатилган ва ариза берувчи томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар таҳлилининг ижобий натижалари мувофиқлик сертификатининг тан олиниши учун асос ҳисобланади.

11. Экспорт қилувчи мамлакатнинг сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатини тан олиш уни Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификатига қайта расмийлаштириш ва давлат ягона реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

12. Идентификациялаш натижаларига кўра, ариза берувчи томонидан тақдим этилган намуналарнинг тан олинаётган сертификатда, шунингдек буюртманомада ва унга илова қилинадиган бошқа ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларга мос келмаслиги аниқланса, ариза берувчига мувофиқлик сертификатининг тан олинмаслиги ҳақида асосли раднома тақдим этилади.

III. Яқунловчи қоидалар

13. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган маҳсулотга хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органи томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш тартиботларини амалга ошириш учун тўлов тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади.

14. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб
кириладиган технологик ускуналар ва улар-
нинг қисмларига хорижий мамлакатларнинг
аккредитация қилинган сертификатлаштириш
органлари томонидан берилган мувофиқлик
сертификатларини тан олиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Мувофиқлик сертификатини тан олиш юзасидан
Б У Ю Р Т М А Н О М А**

_____ да ишлаб чиқарилган,
(ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг номи ва манзили)

_____ да синовдан ўтказилган
(синов лабораториясининг номи, манзили)

_____ (махсулотнинг номи, тури, модели, маркази)

_____ сертификатининг
_____ талабларига
(талабларига мувофиқ сертификатлаштириш ўтказилган ҳужжатнинг номи, тури)

мувофиқлиги тан олинишини сўраймиз.

Сертификат _____ да жойлашган _____
(манзили)

_____ томонидан
(сертификатни берган орган (ташкилот, фирма)нинг номи)

_____ (сертификатлаштириш тизимининг номи ёки битимнинг тартиб рақами)

қоидаларига мувофиқ _____ дан _____ гача мuddатга берилди.

Қўшимча маълумотлар _____
(сифат тизимига мувофиқлик сертификати ва бошқалар)

Буюртманомага қуйидагиларни илова қиламиз:

_____ (ҳужжатлар ва материаллар рўйхати)

Ариза берувчининг номи ва манзили _____

Ариза берувчининг телефони/факси _____

Шаҳарлараро телефони _____

Буюртманома билан шуғулланаётган ходимнинг Ф.И.О., лавозими ва телефони _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган
маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига
мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва хавфлилик тоифаси паст бўлган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш тартиботларини ишлаб чиқарувчи томонидан уларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлиги ҳақида маълум қилиш йўли билан (кейинги ўринларда мувофиқлигини маълум қилиш деб аталади) белгилади ва фақат кўрсатиб ўтилган маҳсулотни ишлаб чиқарувчига нисбатан қўлланади.

2. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қонунчилик талабларига ва маҳсулотлар уларга мувофиқ ишлаб чиқарилган норматив ҳужжатларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича мувофиқлик хабарномасини тўлдиради.

3. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисидаги хабарномани ишлаб чиқарувчининг вакили «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аккредитация қилинган сертификатлаштириш органига (кейинги ўринларда сертификатлаштириш органи деб аталади) икки нусхада тақдим этади.

4. Сертификатлаштириш органи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисидаги хабарномани ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича дафтарда рўйхатдан ўтказиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлиги тўғрисидаги хабарномага рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамини қўяди ва унинг сертификатлаштириш органи муҳри қўйилган бир нусхасини маҳсулот ишлаб чиқарувчининг вакилига беради.

5. Ишлаб чиқарилган маҳсулот мувофиқлик хабарномасининг амал қилиш муддати мувофиқлик хабарномаси рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб 3 йилдан иборат бўлади.

Мувофиқлик хабарномаси рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 3 йил ўтгач маҳсулотни ишлаб чиқарувчи сертификатлаштириш органига янги хабарномани тақдим этади.

6. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг норматив ҳужжатлардаги талабларга унинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи ўзгартиришлар киритилса мувофиқлик хабарномаси қайта рўйхатдан ўтказилади.

7. Норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ишлаб чиқарувчи сертификатлаштириш органига мувофиқлик хабарномасини қайта рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилади.

8. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мувофиқлик хабарномасини рўйхат-

дан ўтказиш сертификатлаштириш органи томонидан бир иш куни мобайнида, бепул амалга оширилади.

9. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рўйхатдан ўтказилган мувофиқлик хабарномаси ушбу маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун асос ҳисобланади.

10. Экспортга етказиб бериш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сертификатлаштириш ихтиёрий асосда амалга оширилади.

11. Сертификатлаштириш органида рўйхатдан ўтказилган ва ишлаб чиқарувчининг муҳри билан тасдиқланган мувофиқлик хабарномаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йўл ҳужжати учун асос бўлиши мумкин.

12. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифат кўрсаткичларининг норматив ҳужжатлардаги мажбурий талабларга мувофиқлик хабарномасида кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлигига нисбатан қўйиладиган норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқарувчи корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб
чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва
хавфсизлик талабларига мувофиқлигини
ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

МУВОФИҚЛИК ХАБАРНОМАСИ

20 ____ й. « ____ » _____

_____ да жойлашган
_____ номидан
(ташкилотнинг тўлиқ номи)

(раҳбарнинг Ф.И.О., лавозими (бош директор, директор, хусусий тадбиркор)

ушбу билан хабар қиладики, _____ бўйича
(норматив ҳужжат номи, тартиб рақами)

ишлаб чиқарилаётган _____
(маҳсулотнинг номи, тури, русуми)

кўрсатиб ўтилган ҳужжатнинг барча талабларига, шунингдек _____

_____ га
(ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлигига нисбатан талаблар белгиланган
норматив ҳужжатлар ва қондалар номи, тартиб рақами)
тўлиқ мувофиқ келади.

Ташкилотда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни норматив ҳужжатларда

белгиланган барча сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқариш ва синовлар ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

(агар ташкилот синовлари (ёки синовларнинг бир қисмини) бошқа лабораторияларда ўтказаетган бўлса, ушбу лабораториялар кўрсатилиши лозим)

(синов лабораториясининг номи, манзили, шунингдек унинг аккредитациядан (аттестациядан) ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатга (тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати) ҳавола, агар лаборатория ушбу тартиботлардан ўтган бўлса)

Ташкилот сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча шартларга риоя қилинишини таъминлайди.

Изоҳ. Сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таъминланишини тасдиқловчи қўшимча ахборот мавжуд бўлганда ишлаб чиқарувчи уларни қўшимча равишда келтириши мумкин.

Ушбу мувофиқлик хабарномасининг ҳаққонийлиги, шунингдек мувофиқлик хабарномасида кўрсатилган маҳсулотнинг сифати ва хавфсизлиги юзасидан ишлаб чиқарувчининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб бериши тўғрисида танишдим.

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(М.Ў)

Тўлдирилган санаси 20__ й. «__» _____

Амал қилиш муддати 20__ й. «__» _____

**РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ (ХИСОБГА
ОЛИНГАНЛИГИ) ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР**

Сертификатлаштириш органи - _____

_____ томонидан
(сертификатлаштириш органининг номи, Давлат реестри бўйича тартиб рақами)

_____ -сон тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилди (ҳисобга олинди).

Сертификатлаштириш
органининг раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

20____ йил «____» _____

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқарувчи томонидан маълум қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқлиги ҳақидаги хабарномани рўйхатдан ўтказиш
ДАФТАРИ ШАКЛИ**

Т/р	Маҳсулотнинг номи	Хабарнома юборувчининг манзили	Хабарнома келиб тушган сана	Ташкилот раҳбари	Рўйхатдан ўтказилган санаси ва тартиб рақами*	Рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати
1	2	3	4	5	6	7

* Рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамини кўрсатиш намунаси: № UZ.SMT.XX.XXX.XXXXXX


**«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Штат бўйича жами — 45 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 35 киши; улардан, 30 киши давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади; 5 киши бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади; хизмат кўрсатувчи ходимлар — 5 киши; техник ходимлар — 5 киши;

* Бюджетдан ташқари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

«Ўзстандарт» агентлиги ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимлари сони



Ходимларнинг жами чекланган сони — 150 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 116 киши (улардан, *Экспорт қилишга қўмаклашиш бюроси ходимлари — 12 киши*); хизмат кўрсатувчи ходимлар — 17 киши; техник ходимлар — 17 киши.


* Бюджетдан ташқари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари
(СМБ) ходимларининг чекланган сони**

Т/р	Худудий бошқармалар	Ходимлар- нинг чекланган сони	Шу жумладан			
			бошқарув ходимлари	улардан	хизмат кўрсатувчи ходимлар	техник ходимлар
				маҳсулотларни экспорт қилишга қўмаклашиш бюроси ходимлари		
1.	Қорақалпоғистон СМБ	9	7	1	1	1
2.	Андижон СМБ	10	8	1	1	1
3.	Бухоро СМБ	9	7	1	1	1
4.	Жиззах СМБ	9	7	1	1	1
5.	Қашқадарё СМБ	9	7	1	1	1
6.	Навой СМБ	9	7	1	1	1
7.	Наманган СМБ	9	7	1	1	1
8.	Самарқанд СМБ	13	10	1	1	2
9.	Сурхондарё СМБ	9	7	1	1	1
10.	Сирдарё СМБ	9	7	1	1	1
11.	Фарғона СМБ	15	12	1	2	1
12.	Хоразм СМБ	9	7	1	1	1
13.	Тошкент вилоят СМБ	14	11	-	1	2
14.	Тошкент шаҳар СМБ	17	12	-	3	2
ЖАМИ		150	116	12	17	17

**«Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотни экспорт қилишга
кўмаклашиш бюроси
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 17 киши;
* Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига
8-ИЛОВА

**«Ўзстандарт» агентлигининг Маҳсулотни экспорт
қилишга кўмаклашиш бюроси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Маҳсулотни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) «Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида (Тошкент шаҳар ва вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаларидан ташқари) биттадан вакилга эга.

2. Бюро ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, «Ўзстандарт» агентлигининг қарорларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Бюро ўз фаолиятини «Ўзстандарт» агентлигининг бошқа таркибий бўлинмалари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бюронинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

4. Қуйидагилар Бюронинг асосий вазифалари ҳисобланади:

экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлар, маҳсулотни сертификатлаш, ёрликлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларини жорий этиш ва уларга эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур ахборотлар олиш учун ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

стандартлар, маҳсулотни сертификатлаш, ёрликлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича доимий янгилаб туриладиган маълумотномани ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кейинчалик уни «Ўзстандарт» агентлигининг Интернет тармоғидаги сайтига жойлаштириш.

5. Бюро ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан тушган масалаларни ўрганadi ва уларга зарур ахборотлар такдим этади;

маҳсулот экспорти масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисидаги материалларни умумлаштиради, тайёрлайди ва «Ўзстандарт» агентлигига такдим этади;

маҳсулотларни хорижий бозорларга киритишга доир мавжуд муаммоларни таҳлил қилади ва уларни ҳал этиш юзасидан «Ўзстандарт» агентлигига таклифлар киритади;

маҳсулотларни хорижий бозорларга киритиш бўйича дастурлар ва тадбирлар тайёрлашда қатнашади;

маҳсулотни стандартлаштириш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талабларни таҳлил қилади;

маҳсулотни стандартлаштириш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа параметрлар бўйича халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантиради ва доимий янгилаб боради.

6. Бюро қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналардан маҳсулотларни хорижий бозорларга киритишга доир зарур ахборотларни сўраб олиш;

стандартлаштириш ва сертификатлаш соҳасида хорижий компаниялар ва фирмалар билан ўз ваколатлари доирасида бевосита ҳамкорлик қилиш;

зарурат бўлганда, мазкур Низомда назарда тутилган функцияларни бажариш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш.

III. Бюро фаолиятини ташкил этиш

7. Бюрога «Ўзстандарт» агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Директор бошчилик қилади.

Бюро директори:

Бюронинг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади;

ўзига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Бюро ходимларини ва ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларидаги вакилларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича белгиланган тартибда «Ўзстандарт» агентлиги бош директорига таклифлар киритади;

ўз ваколатлари доирасида, белгиланган тартибда бошқа функцияларни амалга оширади.

8. Бюронинг ходимлари ва ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларидаги вакиллари «Ўзстандарт» агентлиги бош директори томонидан, белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бюронинг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида-

ги вакиллари Бюро директорига ва тегишли ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаси раҳбарига бўйсунди.

Бюро ходимларининг функционал вазифалари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади.

9. Бюро «Ўзстандарт» агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

10. Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари раҳбарлари Бюрога мазкур Низом билан юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарорига
9-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириш ва уларни унинг ташқарисига чиқариш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 12 августдаги 409-сон қарорининг 1-банди ва қарорга 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 38-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларини тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 16 апрелдаги 161-сон қарорига 2-илованинг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг тўртинчи — олтинчи хатбоши тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 3-банддаги «ўринбосарлари» ва «лавозимга тайинландилар ва лавозимдан озод қилинадилар» сўзлари тегишли равишда «ўринбосари» ва «ла-

возимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низомда (3-илова):

1-банднинг биринчи хатбошидаги ва 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «стандартлаштириш» сўзидан олдин «техник жиҳатдан тартибга солиш» сўзлари қўшилсин;

7-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 8-банд «а» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «Стандартлаштириш тўғрисида» сўзларидан олдин «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» сўзлари қўшилсин;

8-банднинг «а» кичик бандига қуйидаги таҳрирдаги иккинчи — олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури лойиҳалари бўйича умумлашган таклифлар киритади;

ўз ваколати доирасида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус регламентларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу регламентларни бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритади;

ўз ваколати доирасида умумий ва махсус техник регламентларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради»;

8-банд «а» кичик бандининг иккинчи — олтинчи хатбошилари еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

10-бандга қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт комиссияни ташкил этиш;

ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертиза қилиш;

ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу регламентларни бекор қилиш»;

10-банднинг тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилари еттинчи — йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

13-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бош директорнинг бир нафар ўринбосари бўлади. Бош директорнинг ўринбосари мақомига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади».

«Ўзстандарт» агентлигининг бош директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

14-банддаги «ўринбосарлари» сўзи «ўринбосари» сўзи билан алмаштирилсин;

15-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазибаларни тақсимлайди» ва «ўз ўринбосарлари» сўзлари тегишли равишда «ўз ўринбосари ваколатини белгилайди» ва «ўз ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «стандартлаштириш» сўзидан олдин «техник жиҳатдан тартибга солиш» сўзлари қўшилсин;

16-банднинг биринчи хатбошидаги «унинг ўринбосарлари» сўзлари «унинг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари содалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–31-сон Қонуни) 2006 йил 14 сентябрдаги 194-сон қарорига илова 1-бандининг «б» кичик банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 66-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Этил спиртининг сифати устидан назоратни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарорида:

а) 5-банднинг учинчи хатбоши ҳамда 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 1-иловадаги «4» ва «25» рақамлари, тегишли равишда «2» ва «23» рақамлари билан алмаштирилсин.